

**ФУНДАМЕНТАЛ ВА
КЛИНИК ТИББИЁТ
АХБОРОТНОМАСИ**

**BULLETIN OF FUNDAMENTAL
AND CLINIC MEDICINE**

2026, №1 (21)

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**BULLETIN OF FUNDAMENTAL
AND CLINIC MEDICINE**

**ФУНДАМЕНТАЛ ВА КЛИНИК
ТИББИЁТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ФУНДАМЕНТАЛЬНОЙ И
КЛИНИЧЕСКОЙ МЕДИЦИНЫ**

Научный журнал по фундаментальным и клиническим
проблемам медицины
основан в 2022 году

Бухарским государственным медицинским институтом
имени Абу Али ибн Сино
выходит один раз в 2 месяца

Главный редактор – Ш.Ж. ТЕШАЕВ

Редакционная коллегия:

*С.С. Давлатов (зам. главного редактора),
Р.Р. Баймурадов (ответственный секретарь),
М.М. Амонов, Г.Ж. Жарилкасинова,
А.Ш. Иноятов, Д.А. Хасанова, Е.А. Харибова,
Ш.Т. Уроков, Б.З. Хамдамов*

*Учредитель Бухарский государственный
медицинский институт имени Абу Али ибн Сино*

2026, № 1 (21)

Адрес редакции:

Республика Узбекистан, 200100, г.
Бухара, ул. Гиждуванская, 23.

Телефон (99865) 223-00-50

Факс (99866) 223-00-50

Сайт <https://bsmi.uz/journals/fundamental-ya-klinik-tibbiyot-ahborotnomasi/>

e-mail baymuradovravshan@gmail.com

О журнале

Журнал зарегистрирован
в Управлении печати и информации
Бухарской области
№ 1640 от 28 мая 2022 года.

Журнал внесен в список
утвержденный приказом № 370/б
от 8 мая 2025 года реестром ВАК
в раздел медицинских наук.

Отпечатано в типографии ООО
“Шарк-Бухоро”. г. Бухара,
ул. Ўзбекистон Мустақиллиги, 70/2.

Редакционный совет:

Абдурахманов Д.Ш.	(Самарканд)
Абдурахманов М.М.	(Бухара)
Ахмедов Р.М.	(Бухара)
Баландина И.А.	(Россия)
Бахронов Ж.Ж.	(Бухара)
Бернс С.А.	(Россия)
Газиев К.У.	(Бухара)
Деев Р.В.	(Россия)
Дустова Н.К.	(Бухара)
Зокирова Н.Б.	(Ташкент)
Казакова Н.Н.	(Бухара)
Калашникова С.А.	(Россия)
Каримова Н.Н.	(Бухара)
Курбонов С.С.	(Таджикистан)
Маматов С.М.	(Кыргызстан)
Мамедов У.С.	(Бухара)
Мирзоева М.Р.	(Бухара)
Миршарапов У.М.	(Ташкент)
Набиева У.П.	(Ташкент)
Нуралиев Н.А.	(Хорезм)
Наврұзов Р.Р.	(Бухара)
Нарзиева Д.Ф.	(Бухара)
Орипов Ф.С.	(Самарканд)
Орипова Ф.Ш.	(Бухара)
Одилова Г.Р.	(Бухара)
Очилов К.Р.	(Бухара)
Раупов Ф.С.	(Бухара)
Рахмонов К.Э.	(Самарканд)
Рахметов Н.Р.	(Казахстан)
Рахматова С.Н.	(Бухара)
Султонова Л.Дж.	(Бухара)
Сайдуллаев З.Я.	(Самарканд)
Удочкина Л.А.	(Россия)
Файзиев Х.Б.	(Бухара)
Хамдамова М.Т.	(Бухара)
Хамдамов И.Б.	(Бухара)
Ходжаева Д.Т.	(Бухара)
Худойбердиев Д.К.	(Бухара)
Шодиева М.С.	(Бухара)
Эшонов О.Ш.	(Бухара)

ГЕПАТИТ А НИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК, КЛИНИК ВА ПРОФИЛАКТИК АҲАМИЯТИ**Ташов У.К.¹, Махамаджонов И.А.², Нурхонов Ф.Т.³, Абдурахмонов Д.А.⁴**¹Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро ш., Ўзбекистон²Тошкент вилояти юкумли касаликлари шифохонаси, Тошкент ш., Ўзбекистон³Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали, Бухоро ш., Ўзбекистон⁴Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали, Қарши ш., Ўзбекистон

Резюме. Гепатит А — жигарнинг ўткир вирусли инфекция касаллиги бўлиб, гепатит А вируси (HAV) томонидан чақурилади. Касаллик асосан фекал-оғиз йўли орқали юқди ва санитария-гигиена шароити паст бўлган ҳудудларда кенг тарқалган. Болалар орасида касаллик кўпинча энгил ёки симптомсиз кечса, катта ёшдаги аҳолида оғир клиник шакллар, узоқ давом этувчи холестатик синдром ва асоратлар кузатилиши мумкин. Мазкур мақолада гепатит А нинг эпидемиологик хусусиятлари, юқиш механизмлари, клиник белгилари, таъхислаш усуллари ва профилактика чоралари илмий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: гепатит А, HAV, эпидемиология, клиника, диагностика, профилактика, вакцина.

HEPATITIS A EPIDEMIOLOGICAL, CLINICAL, AND PREVENTIVE SIGNIFICANCE**Tashov U.K.¹, Makhamadjonov I.A.², Nurkhanov F.T.³, Abdurakhmonov D.A.⁴**¹Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sino, Bukhara, Uzbekistan²Tashkent Regional Infectious Diseases Hospital, Tashkent, Uzbekistan³Republic Specialized Scientific and Practical Medical Center for Epidemiology, Microbiology, Infectious and Parasitic Diseases, Bukhara Branch, Bukhara, Uzbekistan⁴Republic Specialized Scientific and Practical Medical Center for Epidemiology, Microbiology, Infectious and Parasitic Diseases, Kashkadarya Branch, Karshi, Uzbekistan

Resume. Hepatitis A is an acute viral infectious disease of the liver caused by the hepatitis A virus (HAV). The disease is mainly transmitted via the fecal–oral route and is widely ranspoted in regions with poor sanitary and hygienic conditions. In children, hepatitis A often has a mild or asymptomatic course, whereas in adults it may present with severe clinical forms, prolonged cholestatic syndrome, and complications. This article provides a scientific analysis of the epidemiological characteristics of hepatitis A, its transmission mechanisms, clinical manifestations, diagnostic methods, and preventive measures.

Keywords: Hepatitis A, HAV, epidemiology, clinical manifestations, diagnosis, prevention, vaccination.

ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКОЕ, КЛИНИЧЕСКОЕ И ПРОФИЛАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ГЕПАТИТА А**Ташов У.К.¹, Махамаджонов И.А.², Нурханов Ф.Т.³, Абдурахмонов Д.А.⁴**¹Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино, г. Бухара, Узбекистан²Ташкентская областная больница инфекционных заболеваний, г. Ташкент, Узбекистан³Бухарский филиал Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра эпидемиологии, микробиологии, инфекционных и паразитарных заболеваний, г. Бухара, Узбекистан⁴Кашкадарьинский филиал Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра эпидемиологии, микробиологии, инфекционных и паразитарных заболеваний, г. Карши, Узбекистан

Резюме. Гепатит А — это острое вирусное инфекционное заболевание печени, вызываемое вирусом гепатита А (HAV). Заболевание в основном передаётся фекально-оральным путём и широко распространено в регионах с низким уровнем санитарно-гигиенических условий. У детей заболевание чаще протекает в лёгкой или бессимптомной форме, тогда как у взрослого населения могут наблюдаться тяжёлые клинические формы, длительно сохраняющийся холестатический синдром и

осложнения. В статье представлен научный анализ эпидемиологических особенностей гепатита А, механизмов передачи, клинических проявлений, методов диагностики и мер профилактики.

Ключевые слова: Гепатит А, HAV, эпидемиология, клиника, диагностика, профилактика, вакцинация.

e-mail: tashovumid1215@gmail.com, islombekmahamadjonov3@gmail.com, nurxonov5030@gmail.com, abdurahmonovdavron648@gmail.com

Долзарблиги Гепатит А жаҳон миқёсида кенг тарқалган вирусли гепатит турларидан бири ҳисобланади [1,2]. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили миллионлаб одамлар ушбу инфекция билан касалланади [4]. Айниқса, ривожланаётган давлатларда тоза ичимлик суви таъминоти, канализация тизимининг етарли эмаслиги касаллик тарқалишига шароит яратади. Сўнгги йилларда аҳоли миграцияси, туризм ва урбанизация жараёнлари гепатит А нинг эпидемиологик аҳамиятини янада оширмоқда [3].

Эпидемиологик хусусиятлар Гепатит А вируси Picornaviridae оиласига мансуб бўлган РНК сақловчи вирус ҳисобланади. Инфекция манбаи — клиник ёки субклиник шаклда касалланган инсон [3]. Инкубация даври ўртача 15–50 кунни ташкил этади. Бемор касаллик белгиларидан олдин ва дастлабки кунларда юқори даражада юқумли ҳисобланади [4].

Касаллик кўпроқ болалар, ўсмирлар ва ёш катталар орасида учрайди. Ривожланаётган ҳудудларда аҳолининг катта қисми болалик даврида инфекцияни ўтказиб, умрбод иммунитетга эга бўлади [1].

Юқиш механизмлари ва омиллари Гепатит А нинг асосий юқиш механизми — фекал-оғиз йўли. Инфекция куйидаги омиллар орқали тарқалади:

- ифлосланган ичимлик суви;
- яхши ишлов берилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари;
- шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик;
- яқин маиший контактлар.

Мактабгача таълим муассасалари, интернатлар ва ҳарбий жамоалар юқори хавfli ўчоқлар ҳисобланади.

Клиник кечиш хусусиятлари Гепатит А клиник жиҳатдан бир неча босқичда кечади: продромал, иктерик ва реконвалесценция даври. Продромал даврда умумий заифлик, иситма, иштаҳа пасайиши кузатилади. Кейинчалик сариклик, қора сийдик, оқ нажат ва жигар катталашиши ривожланади.

Катталарда касаллик оғирроқ кечиби, асоратлар сифатида холестатик синдром, ўткир жигар етишмовчилиги ҳолатлари қайд этилиши мумкин.

Диагностика Гепатит А ни ташхислашда лаборатор усуллар асосий аҳамиятга эга. Қонда Anti-HAV IgM аниқланиши ўткир инфекцияни тасдиқлайди. Биохимик таҳлилларда ALT ва AST кўрсаткичларининг ошиши кузатилади.

Профилактика ва эпидемиологик назорат Гепатит А нинг олдини олишда махсус ва носпециффик профилактика чоралари қўлланилади. Махсус профилактика сифатида вакцинация юқори самара беради. Шунингдек, санитария-гигиена тадбирлари, ичимлик сувини назорат қилиш ва эпидемиологик мониторинг муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса Гепатит А эпидемиологик ва ижтимоий аҳамиятга эга инфекция бўлиб қолмоқда. Касалликни назорат қилишда комплекс ёндашув — вакцинация, санитария-гигиена чоралари ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Адабиётлар рўйхати:

1. World Health Organization. Hepatitis A: Fact sheet. – Geneva: WHO, 2023. – P. 2–6.
2. Centers for Disease Control and Prevention (CDC). Hepatitis A Epidemiology and Prevention of Vaccine-Preventable Diseases. – Atlanta: CDC, 2022. – P. 8–11.
3. Centers for Disease Control and Prevention (CDC). Epidemiology and Prevention of Vaccine-Preventable Diseases. Hepatitis A. – Atlanta: CDC, 2022. Vol. 55(7). – P. 1–23.
4. Koff R.S. Hepatitis A // The Lancet. – 1998. – Vol. 351. – P. 1643–1649.

Иқтибос учун: Ташов У.Қ., Махамаджонов И.А., Нурхонов Ф.Т., Абдурахмонов Д.А. Гепатит А нинг эпидемиологик, клиник ва профилактик аҳамияти // *Фундаментал ва клиник тиббиёт ахборотномаси*. – 2026. – № 1(21). – Б. 352–353. doi: <https://doi.org/10.5281/zenodo.18361301>